www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

2023-yil
19-yanvar
payshanba
№ 9 (4761)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШСА

Юртимизда кейинги ўн йилликда бундай иқлим – аномал совуқ бўлмаган эди, десак асло муболаға эмас. Қиш чилласидаги қаҳратон олиб келган қийинчиликлар – электр энергияси, газ таъминоти, иссиқ ва совуқ сув етказиб беришдаги муаммоларни енгиб ўтишда, шунингдек, йўлларни қор ва музламалардан тозалашда иштирок этаётган соҳа вакиллари ҳақиқий маънода бугунги кун қаҳрамонларидир.

Кун қаҳрамонлари

Фарғона вилояти

Шукуҳ

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 31 йиллиги тантаналари доирасида Сўх туманида Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларига янги хизмат уйлари топширилди.

Туманнинг Зангат қишлоғида умумий қиймати 9,5 миллиард сўмлик қурилиш ишлари натижасида 2 та 4 қаватли 32 хонадонли турар-жой биноси ҳамда болалар майдончаси барпо этилган бўлса, Демурсат қишлоғидаги чегара қўриқлаш бўлинмаси ҳудудида 10,2 миллиард сўм маблағ ҳисобига 4 қаватли 36 хонадондан иборат турар-жой биноси ва болалар майдончаси қуриб битказилди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ҳарбий хизматчиларга янги хонадонларнинг калитини топширар экан, давлатимиз раҳбари томонидан ҳарбий-маъмурий секторларга юклатилган вазифалар ижроси доирасида қад ростлаган бу янги уйлар ҳарбийларимизнинг руҳини кўтариб, ўз хизмат бурчларини янада садоқат билан адо этишларида муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Ўз мухбиримиз

Тошкент вилояти

Адолат – устувор

«Нажот эшигини қоққан эканман»

Олмалиқ шаҳрида яшовчи Муҳтарам Содиқова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ўз ишига тикланишида ёрдам сўраб, мурожаат қилди.

Шикоятда қайд этилишича, бу аёл боқувчисини йўқотган, қарамоғида бири ногирон саналган 4 нафар фарзанди бор. У 2007 йилдан эътиборан «Мустақиллик» МФЙда раис маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келган. Собиқ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг 2020 йил 18 майдаги 36-сонли буйруғи билан оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича раис ўринбосари лавозимига тасдиқланган. 2022 йил 10 майда эса янги ташкил этилган Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг шаҳар бўлими Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига биноан у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилган.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида, Меҳнат кодексининг баъзи моддалари талаблари бузилгани аниқланди. Хусусан, иш берувчи меҳнат шартномасини касаба уюшмасининг розилигисиз бекор қилган. Бундан ташқари, уни корхонада мавжуд бошқа лавозимга ишга таклиф этмаган, боқувчисини йўқотганини ва оиласида ўзидан бошқа мустақил иш ҳақи олувчи шахс бўлмаганини инобатга олмаган. Оқибатда иш берувчи – Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштиришда ходимнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган.

– Мен ўзим дуч келган муаммо юзасидан олдин бир нечта ташкилотга шикоят қилдим, лекин фойдаси бўлмади, – дейди Муҳтарам Содиқова. – Охири касаба уюшмаси эшигини қоқдим. Ана шунда у қанчалар салоҳиятга эга эканлигини англаб етдим. Чунки ушбу ташкилот ходимлари мурожаатимни беэътибор қолдиришмади. Пировардида кўп йиллик иш жойимга қайта тикландим, мажбурий бекор юрган иш кунларим учун ҳам меҳнат ҳақи олдим. Бунинг учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиевга, Федерация вакили сифатида ишлаётган Лола Нишоновага чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Раъно МАҲКАМОВА
«ISHONCH»

Келгуси сонларда ўқинг...



КУН НАФАСИ

ШАХМАТ БЎЙИЧА «МАРКАЗИЙ ОСИЁ КУБОГИ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

Пойтахтимизда умумий мукофот жамғармаси 18 минг АҚШ доллари бўлган «Central Asia Chess Cup 2023» халқаро шахмат турнири старт олди. Турнирда Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистондан 57 нафар шахматчи ғолиблик учун баҳсга киришди. «Марказий Осиё кубоги» турнири 24 январга қадар давом этади.

ЮРТИМИЗГА ЎТГАН ЙИЛИ ҚАНЧА САЙЁҲ КЕЛДИ?

Статистика қўмитаси Матбуот хизматининг хабар беришича, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида 5,2 млн. нафар чет эл фуқаролари туристик мақсадларда Ўзбекистонга ташриф буюрган. Бу кўрсаткич аввалги йилнинг мос даври билан солиштирилганда 3,4 млн. нафарга ёки 2,8 бараварга ошган. Ўтган йили Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғиз Республикасидан энг кўп фуқаролар туристик мақсадларда Ўзбекистонга ташриф буюрган.

ЯГОНА ПЛАТФОРМА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ



Инсон ресурсларини ривожлантириш йўналишидаги бюрократик тўсиқларга чек қўйиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилини қисқартириш мақсадида hrm.argos.uz автоматлаштирилган электрон дастури ишлаб чиқилди. Платформа Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали – vacancy.argos.uz ҳамда Ягона миллий меҳнат тизими – my.mehnat.uz электрон дастурлари билан интеграллашган. Ходимлар ва меҳнатга доир маълумотлар автоматик тарзда ушбу дастурда шаклланади.

ҲИНДИСТОН АҲОЛИ СОНИ БЎЙИЧА ХИТОЙНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ

«Bloomberg» агентлиги Жаҳон аҳолишунослик ташкилотига таяниб хабар беришича, Ҳиндистон аҳолиси 2022 йил охирида 1,417 миллиард кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич 1,412 миллиардлик Хитой аҳолисидан беш миллионга кўпдир.

Касаба уюшмалари – меҳнаткашлар ҳамкори ва таянчи

Инспекторлар ишчи-ходимлар манфаати йўлида

Хоразм вилояти

Икки йил бурун Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнат инспекторлари фаолияти йўлга қўйилган эди. Инспекторлар қонун доирасида муассасаларда бўлиб, меҳнат қонунчилиги, тармоқ келишуви ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилишмоқда. Ўрганишларда бу борада эришилган ютуқлар қатори айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани аниқланмоқда.

Шифокорлар бизнинг ҳимоямизда

Хоразм вилоятидаги меҳнат ҳуқуқ инспектори Расулбек Аллаберганов, меҳнат техник инспектори Халилулла Исақжанов 9 та корхонада ўтказган ўрганишларда иш берувчилар йўл қўйган 21 та камчилик аниқланди. Уларнинг 5 таси жойида ҳал қилиниб, 192 нафар ходим манфаати ҳимоя қилинди. Натижада, касаба уюшма аъзолари фойдасига 10 911 448 сўм ундирилишига эришилди. Ташкилотларга юборилган 1126 нафар ходим манфаатлари ифодаланган 9 та кўрсатма хат асосида 373 607 437 сўм ундирилди. Бундан ташқари, 13 та ҳолат юзасидан судларга даъво аризалари киритилиб, уларнинг қаноатлантирилишига эришилди. 3 нафар ходим ишга тикланди, 535 нафар ходим фойдасига 517 445 875 сўм ойлик маошига қўшимча устама ҳақлари ундириб берилди.

Шунингдек, меҳнат техник инспектори томонидан 4260 нафар ходим фаолият кўрсатувчи 10 та ташкилотда ўтказилган ўрганишларда 70 та камчиликка йўл қўйилгани маълум бўлди. Жумладан, 988 ходим тиббий кўриклардан ўтишда чиқимдор бўлганлиги аниқланди. Шу пайтга қадар бу борада иш берувчиларга бир неча марта кўрсатма хатлар берилгани, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинганига қарамасдан молия идоралари томонидан зарур маблағ ажратилмагани сабабли кутилган натижаларга эришилмасдан келинаётган эди. Меҳнат техник инспектори ходимлар 140 800 000 сўм миқдорида чиқимдор бўлишганини аниқлади. Шунингдек, 614 ходим шахсий ҳимоя воситаларини ўз маблағига харид қилгани ва бунинг учун 122 миллион 800 минг сўм сарфлангани аниқланди. 397 нафар ходим эса гигиена воситалари харид қилиш учун 11 910 минг сўм миқдорида чиқимдор бўлган.

Ўрганиш натижаларига кўра, иш берувчиларга кўрсатма хатлар берилди. Тушунтириш ишлари олиб борилди.

Аниқланган камчиликларнинг 50 таси жойида ҳал қилиниб, 1045 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланди. Кўрсатмалар асосида 227 нафар ходимга тиббий кўрикдан ўтишда сарфлаган, 364 ходимга ҳимоя воситалари, 228 нафар ходимга гигиена воситалари учун сарфлаган маблағлари қайтарилди. Шунингдек, бошқа масалаларда 215 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланди. Шу пайтга қадар ундирилган маблағлар миқдори 178 154 443 сўмни ташкил этади.

Тиббий кўрик бўйича келиб тушган мурожаатларни ўрганиш жараёнида 937 нафар ходим ҳуқуқи бузилганлиги аниқланиб, уларнинг тиббий кўрикдан чиқимдор бўлмаган холда ўтишлари учун тегишли ташкилотлар билан 133 194 400 сўмлик шартномалар тузилишига эришилди. Бугунги кунда тиббиёт соҳасида ишловчи ходимлар тиббий кўрикдан чиқимдор бўлмаган ҳолда ўтишлари йўлга қўйилди.

Умуман, ўтган йилда меҳнат инспекторларимиз аъзоларнинг 1 228 318 603 сўмга яқин маблағларини ундириб берди. 3000 нафардан зиёд ходимнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Аъзолар манфаати биз учун ўта муҳим. Бу эса тасарруфдаги барча ташкилотларда ходимлар ҳуқуқлари кафолатланиши учун бор имкониятларни ишга солишни тақозо этади. Шу мақсадда йилнинг ўтган даврида иш берувчилар ва ходимлар иштирокида жойларда 25 га яқин ўқув-семинарлар ташкил қилиниб, меҳнат қонунчилиги тарғиботи олиб борилди. Бу эса ҳар бир аъзо тармоқ келишувидаги имтиёзлардан тўла фойдаланилишига хизмат қилади, албатта.

Рашид ЙЎЛДОШЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси
Хоразм вилояти кенгаши раиси

Бухоро вилояти

Бухоро шаҳрида икки нафар МТТ мудираси, «Ўзавтотранс» акциядорлик жамияти иқтисодчиси, Қоракўл туманида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари, «Бухвилерлойиҳа» илмий-тадқиқот маркази муҳандиси, «Суннат Акмал» корхонаси оператори, Жондор тумани «Занги» МФЙ хотин-қизлар фаоли, Ромитан туманида 26-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳамшираси...

Улар ноҳақ ишдан бўшатилган эдилар

Касаба уюшма аралашуви билан нафақат ўз вазифасига қайта тикландилар, балки мажбуран бекор юрган кунлари учун тегишли маблағлар ҳам ундириб берилди

Бугун меҳнат фаолиятини эмин-эркин давом эттираётган бу инсонларнинг ҳар бири касаба уюшмаларидан миннатдор. Сабаби, ўтган йили меҳнат инспекторлари аралашуви ва бевосита ёрдами билан улар ўз ишига қайта тикланди. Етказилган маънавий зарар ва мажбурий бекор юрган кунлари учун тегишли маблағлар ундириб берилди. Масалан, «Бухвилерлойиҳа» бўлинмасининг муҳандиси М.Ҳамроеванинг меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилинган. Ваҳоланки, Ҳамроева бу вақтда меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлган. Энг қизиғи, шартнома бекор қилинишига асос бўлган ҳолат ташкилот ички тартиб-қоидаларида белгиланмаган. Касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгаши аралашуви билан низо бўйича судга даъво аризаси киритилди. Табиийки, суд ғайриқонуний қарорни бекор қилиш бўйича қарор чиқарди.

Бухоро шаҳридаги 3-мактабгача таълим ташкилоти директори З.Ҳафизованинг ҳам меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ ғайриқонуний деб топилиб, касаба уюшмалари аралашуви билан мудира ишга тикланди. Унга 3,8 миллион сўм иш ҳақи ва 1,6 миллион сўм маънавий зарар учун компенсация тўловлари ундириб берилди.

– Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўтган йили ижобий натижалар қайд этилди, – дейди Бухоро вилоят кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Мурод Арслонов. – Масалан, иш берувчиларга 18 та кўрсатма, суд, прокуратура ва бошқа ташкилотларга 25 та ҳуқуқий хулоса, туман, шаҳар ва вилоят судларига 5 та даъво аризаси, апелляция шикоятлари киритилди. Натижада 35 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланди, уларга 484,9 миллион сўмлик тўлов ундириб беришга эришилди.

Бундан ташқари, мурожаатчиларнинг бола парвариши таътилидан сўнг ўз иш жойига ишга қайтиш, меҳнат таътиллари берилишини таъминлаш, бекор юрган кун учун тегишли маблағ суммаси ундириб бериш, собиқ ходимларга компенсация тўлови, ишдан бўшатиш нафақаси ва моддий мадад тўловларини ундириш сингари масалалари ижобий ҳал қилинди.

Кечагина Олий суд томонидан кўриб чиқилган апелляция инстанциясида яна бир можарога нуқта қўйилди. «Лукойл Узбекистан оперейтинг компани» МЧЖ бош директори ўтган йил апрель ойида ташкилот ҳайдовчиси Ҳ.Жумаевнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруққа имзо чеккан. Унинг меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузиши бунга асосий сабаб сифатида қайд этилган.

Бироқ Ҳ.Жумаев бу пайтда ташкилот раҳбарининг тегишли буйруғига асосан меҳнат таътилида дам олаётган эди. Қолаверса, у меҳнатга лаёқатсизлик даврида ҳам бўлган. Қонун талабларига кўра, бундай даврда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш мумкин эмас. Аммо ҳайдовчи ғайриқонуний буйруқ чиқарилиши оқибатида ишсиз, моддий даромад манбаисиз қолган.

Вилоят кенгаши аралашуви билан иш судга оширилди. Суд ходимнинг ҳақлигини тан олди. Апелляция инстанцияси ҳам биринчи инстанция судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирди. Ниҳоят, Олий суд томонидан кўриб чиқилган сўнгги апелляция инстанцияси ҳам ходимнинг фойдасига ҳал бўлди.

Меҳнат инспекторларининг шу каби амалий ишлари мисолида кўриш мумкинки, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашдаги ислоҳотларда касаба уюшмаларининг ўрни катта.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

БОШ ЖАМОА КЕЛИШУВИ ВА ЖАМОА ШАРТНОМАСИ: ФАРҚ НИМАДА?

САВОЛ: Яқинда матбуотда Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2023-2025 йиллар учун Бош жамоа келишуви имзоланганини ўқидим. Бош жамоа келишуви ўзи нима? У оддий халққа, ишчи-ходимларга қандай наф беради? Бош жамоа келишуви билан жамоа шартномасининг фарқига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

Баҳодир МАМАТҚУЛОВ
Денов тумани

ЖАВОБ: Меҳнат қонунчилигига мувофиқ тартибга солинадиган муносабатлар соҳаси, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг хусусиятларига қараб бош, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари тузилиши мумкин.

Бош келишув Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчиларнинг республика миқёсидаги бирлашмалари ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан ҳам тузилади.

Жамоа шартномаси эса иш берувчи билан ходимлар ўртасида уларнинг вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарори орқали тузиладиган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, бундай шартномалар корхоналарда, уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади.

Бош келишув билан жамоа шартномаси бир-биридан улар тузилишида иштирок этувчи тарафлар ҳамда ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар билан қамраб олинадиган масалалар мазмун-моҳиятига кўра фарқланади.

Ҳақиқатан ҳам 2022 йил 16 декабрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2023-2025 йиллар учун имзоланган Бош жамоа келишуви ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб беради.

Хусусан, ушбу келишув 2023-2025 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясига амал қилиш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти, ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини муттасил ошириб бориш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш борасида самарали ҳамкорликни кучайтириш мақсадида тузилган.

***

ҚАРИНДОШИМ ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИМИ?

САВОЛ: Яқинда Президент фармонига асосан бир қатор вазирлик ва идоралар тугатилиб, уларнинг функциялари бошқа вазирлик ва идораларга, бошқа айрим ҳолатларда эса бир давлат органи бошқа давлат органи бўйсунувига ўтказилди. Яқин қариндошим иккинчи тоифадаги, яъни бошқа давлат органи бўйсунувига ўтган бир давлат ташкилотида фаолият кўрсатади. Ўзгаришлар туфайли у энди ишсиз қолмайдими?

Собит САФАРОВ
Юқори Чирчиқ тумани

ЖАВОБ: Амалдаги меҳнат қонунчилиги (Меҳнат кодексининг 98-моддаси 3-қисми)га мувофиқ корхонанинг бир орган бўйсунувидан бошқа орган бўйсунувига ўтказилиши меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатмайди.

Бу ҳолат, яъни бўйсунув шакли ўзгаргани қариндошингизнинг фаолиятига таъсир қилмайди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Наманган вилояти

ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИЛАР СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ...

Сўнгги пайтлардаги «таътил кунлари воқеаси» кўпчиликни шошириб қўйди. Ҳозир мактаб таълим жараёнлари бўйича ҳар бир ҳудуд ўзига берилган ваколатдан «унумли» фойдаланган ҳолда иш тутмоқда.

Наманган вилоятдаги 686 та умумтаълим мактаби, Президент мактаби ҳамда ихтисослаштирилган мактабларда ўқиш жорий йилнинг 11 январидан, қолган 24 та мактабда эса босқичма-босқич бошланиши белгиланганди. Аммо мактабларда кузатилган паст давоматдан ҳеч бир ўқитувчи ҳайратга тушмади. Чунки кўча ва синф хоналари совуқлигидан кўплаб ота-оналар фарзандларини мактабга юборишни исташмади.

Ўша кунлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мактаблардаги синф хоналари ҳароратини ўрганиш ҳамда ўқитувчиларни мажбурий меҳнатга, яъни қор кураш, кўча тозалашга мажбуран жалб қилишнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратини ўтказди. Шунга кўра, меҳнат инспекторлари фаолиятини бошлаган кўплаб мактабларда бўлиб, ўқитувчиларга яратилган шароитлар ва синфхоналар аҳволи билан танишди.

– Наманган шаҳар, Янги Наманган тумани, Тўрақўрғон ҳамда Уйчи туманларидаги бир қатор мактабларда хоналарнинг ҳарорати бор-йўғи 8, 10 градус илиқни ташкил этганидан ўқувчилар хонада қалин уст-бошда ўтириши мумкинлиги инобатга олиниб, уйларига рухсат бериб юбориш энг тўғри қарорлигини мактаб маъмуриятига билдирдик, – дейди меҳнат инспектори Мирзанозир Қорабоев. – Бундай совуқ шароитда дарс ўтиш ўқитувчиларга ҳам осон эмас. Янги Наманган туманидаги 1837 нафар ўқувчи қатнайдиган 60-умумтаълим мактабида ҳам давомат ниҳоятда паст. Ушбу мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари умуман ўқишга келишмаганди. Синф хонасига кирилганда, хонада иссиқлик борйўғи уч даражани кўрсатиб турар, иситиш қозонлари ишлаб турганига қарамай, иссиқлик қуввати пастлигидан хоналар ниҳоятда совуқ эди. Ҳолбуки таълим муассасаларининг ўқув хоналарида машғулотлар ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ ҳаво ҳарорати 16° С дан паст бўлмаслиги керак.

Касаба уюшмалари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини инобатга олган ҳолда, вилоят ҳокимлигига ҳамда халқ таълими бошқармасига хат йўллаб, Намангандаги қишки таътил муддатини узайтириш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклиф ва тавсияси билан чиқди.

Орзугул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Андижон вилояти

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига!

Ўзи ўрнак бўлиш ўрнига

ЁХУД БАНДЛИК БОШ БОШҚАРМАСИ МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ НЕГА МЕНСИМАЙДИ?

Бандлик бош бошқармалари – меҳнат муносабатларида ҳақсизликка учраган ходимлар бош уриб борадиган идоралардан бири. Демак, бу даргоҳ соҳада кўзга ташланаётган ҳар қандай қонунбузарликка муросасиз, ўз фаолиятида Меҳнат кодекси талабларига қатъий риоя этиш борасида бошқа ташкилотларга ўрнак бўлмоғи шарт. Бироқ Андижон вилояти бандлик бош бошқармаси раҳбариятининг иш тутумида юқоридаги тамойилларнинг тескариси устувордек...

рамзий сурат

Гап шундаки, ўтган йилнинг 25 февралида ушбу ташкилотда давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи Фаррухбек Муҳаммаджонов билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинади. Бироқ ходим иш берувчини судга бериб, тақдирини ҳал этган буйруққа асос бўлган «далил»ларнинг таги пучлигини исботлаб қўяди. Суд мажлисида мутахассис сифатида қатнашган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши вакили М.Куббиев ҳам даъвогарнинг меҳнат ҳуқуқларини тиклаш юзасидан хулоса берадики, пировардида, суд бошқарма бошлиғи А.Мамаюсуповнинг буйруқларини ғайриқонуний деб топади. Хуллас, даъвогар ўз лавозимига ишга тикланиши баробарида, бошқарма зиммасига мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловларни ҳисоб-китоб қилиб, тўлаб бериш мажбурияти юклатилади. Камига, бошқарма ҳисобидан Ф.Муҳаммаджонов фойдасига 2 миллион 500 минг сўм миқдорида маънавий зарар ундириш ҳам белгиланади.

Бу воқеадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бош бошқарма раҳбарияти давлат меҳнат инспекциясининг икки вакили – Иззатилло Раҳмонов ҳамда Аҳрорбек Чалабоевни ҳам ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Ҳақ-ҳуқуқини яхши билган одам бундай вазиятда судлашади, албатта! Кутилганидек, И.Раҳмонов ҳам, А.Чалабоев ҳам бошқарма бошлиғининг буйруғини бекор қилиш ҳамда ўз лавозимига ишга тиклашни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига даъво аризаси киритади. Бу гал ҳам ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқлар ғайриқонуний деб топилиб, инспекциянинг ҳар икки вакили вазифасига қайтарилади. Суд қарорига кўра, ходимларнинг ҳар бири бошқармадан 3 миллион сўмдан маънавий зарар ундиришга ҳам муваффақ бўлади.

Бандлик бош бошқармаси суднинг ҳар икки ходимни ишга тиклаш хусусидаги қароридан норози бўлиб, апелляция инстанциясига мурожаат қилгани, аммо юқори турувчи суднинг 2022 йил 6 декабрдаги шикоятни қаноатлантирмаслик ҳақидаги ажримини икки жумла билан шундай ифодалаш мумкин: «Бошқарма меҳнат қонунчилигини бузган, вассалом!».

Ушбу жараёнларни кузатиб турган жамоатчилик вакиллари ғайриқонуний буйруқлари судда бир эмас, уч бора ноқонуний деб топилган бошқарма раҳбари энди дўппини бошдан олиб, ўз иш тутумига бир қур назар ташласа керак, деган фикрга боргани рост. Бироқ бўлиб ўтган воқеалар унга сабоқ бўлмабди. Йўқса, бир марта суд орқали вазифасига тикланган ходимни такрор ишдан бўшатиб, бу ҳақдаги буйруғи иккинчи маротаба ҳам суд орқали ғайриқонуний деб топилмас эди-да! Янаям аниқроқ тушунтирсак, фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманлараро судининг 2022 йил 15 декабрдаги ҳал қилув қарори билан юқорида тилга олинган Иззатилло Раҳмоновнинг «Ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи, тўланмай қолган мукофот ҳамда моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида»ги даъвоси бу гал ҳам қаноатлантирилади.

Шу ерда воқеалар баёнига нуқта қўйиб, асосий муддаога ўтсак. Бугун Андижон вилояти бандлик бош бошқармаси фаолиятига четдан назар ташланса, ташкилот зиммасига юкланган вазифаларнинг тўла-тўкис ижросидан кўра шахсий муносабатлар ортидан ходимларни ишдан бўшатиш ва судлашиш билан боғлиқ жараёнлар юки тарози палласини босиб кетаётгандек гўё. Меҳнат муносабатларидаги мувозанатнинг издан чиқиши эса одамларнинг ушбу ташкилотга бўлган ишончига путур етказиши турган гап. Биз тилга олган воқеалар хусусий корхонада эмас, давлатнинг бандлик сиёсатига дохил идорасида рўй беряпти, ахир!

Демакки, тизим қайтадан ташкил қилиниб, айни паллада катта ўзгаришлар учун режалар олинаётган экан, баён этилганлар янги вазирнинг тизимдаги ислоҳотларида эътибор қаратишига арзирли ҳолат. То бутун бошли бошқармада маънавий муҳит бузилишига сабаб бўлган мутасаддиларнинг таноби тортиб қўйилмас экан, Андижонда вазирликнинг самарадорлик, масъулиятлилик, профессионализм, адолатлилик ва инсонпарварлик каби қадриятларига путур етаверади.

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Таҳлил

Ҳақиқат букилади, лекин синмайди

БУГУН ЖАМИЯТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ДАРДИ, УЛАРНИНГ МУАММОСИГА МИЛЛАТ ТАШВИШИ СИФАТИДА ҚАРАЛМОҚДА.

– Қишлоқ аёлларининг муаммолари қатор тизимлар орқали ҳал этиляпти. «Аёллар дафтари», «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари»га киритилган хотин-қизларга турли йўналишлар бўйича ғамхўрлик кўрсатилмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашининг Мурожаатлар билан ишлаш бўлими масъул ходими Санобар Жаъфарова. – Аёлларнинг муаммолари ҳал этилмоқда, аммо ишхоналарда уларга кўрсатилаётган муносабат кўнгилдагидек эмас. Касаба уюшмаларига бўлаётган мурожаатларда иш билан боғлиқ ҳолатларда аёлларимиз ранжитилаётгани аён бўляпти. Меҳнатдаги низоли вазиятлар буни тасдиқлаб турибди.

Дарҳақиқат, вилоят кенгаши қошидаги «Юридик клиника»га келиб тушган 414 та мурожаатдан 325 тасининг муаллифи аёлларди. Айниқса, тиббиёт соҳасида хотин-қизлар муаммоларга кўп дуч келишмоқда. Биргина Пастдарғом туманидан бўлган 61 та мурожаатнинг қарийб тенг ярми ҳамда Самарқанд шаҳри ва Пахтачи туманидан келган мурожаатларнинг аксариятида ҳам аёлларнинг муаммолари баён этилган.

Пахтачи давлат ўрмон хўжалигининг Деҳқонобод участкаси оддий ишчиси Озода Нурбоева ҳам маъмурият тазйиқига учраган. Унинг манфаатлари тармоқ касаба уюшмаси томонидан ҳимоя қилинди. Музокара, мулоқот ва тушунтиришлар ўз натижасини берди. Озода Нурбоева ўз вазифасига тикланди.

– Тумандаги чекка бир қишлоқда яшайман, – дейди Озода Нурбоева. – Ишхонада бошим деворга текканида касаба уюшмалари ёнимда турди. Дардимизга шерик бўлган жамоат ташкилотига раҳмат.

– Иш билан боғлиқ муаммони телеграмм орқали касаба уюшмаларига етказдим. Касаба уюшмалари аралашиб, иш ҳақим ва бошқа барча тўловларни ундириб берди, – дея ўз миннатдорлигини изҳор этади Қўшработ тумани СЭО ва ЖСХ бўлими шифокори Инобат Юсупова.

Мурожаатлар кўламига кўз ташлаб, бир қанча муаммолар ечим топаётганига гувоҳ бўлдик. Энг муҳими, аёлларнинг ҳеч бир мурожаати эътибордан четда эмас.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Навоий вилояти

Орамиздаги одамлар

Тошлар билан тиллашиб...

НУРОТА КЕНГЛИКЛАРИ БЎЙЛАБ НАВОИЙ ШАҲРИГА КЕТАВЕРИШДА ҚОРАҚАРҒА ТЕПАЛИГИГА ЕТМАСДАН ЎНГ ТАРАФГА БУРИЛСАНГИЗ, УЗУН ЙЎЛ МАРМАРЧИЛАР ҚИШЛОҒИ – ҒОЗҒОНГА ЕТАКЛАЙДИ.

Мен бу ерда тоштарошлар авлодининг саккизинчи вакили, уста Тоҳир Раҳимовни излаб боряпман. Бу одамни таниганимга кўп йиллар бўлган. Ҳар гал дийдорлашиб, суҳбатлашганимизда, у киши яна бир янги тарихий маълумот, янги иншоот тарҳи ва унинг шакл-шамойили, йўқолиб кетган қадимий обидаларнинг қолдиқларидан намуналар ҳақидаги мулоҳазаларини эшитаман.

Бир гал у Чингизхон босқинида йўқолиб кетган Пошшот шаҳри (Нурота шаҳарчасидан ғарб томонда) ҳақида гапирса, яна бирда Ғозғон қишлоғидаги Шоҳимардон ота мажмуаси тўлиқ ўрганилмагани-ю, Ғозғондан Бухоро, Хива ва Самарқандга мармар тошларининг қай тарзда етказиб берилгани тўлиқ тадқиқ қилинмаганидан ёзғиради.

Уста билан суҳбатлаша туриб, бир тарихий гўзал публицистик асар ёдимга тушади. Бу «Ёшлик» журнали энди чоп этила бошлаган 1980 йилларда журналист Шукур Нурбоев (ўша пайтда Навоий шаҳар радиосининг раҳбари бўлган, бахши Эргаш Жуманбулбул ўғлининг невараси) билан ёзувчи Нурали Қобулнинг Ғозғон мармари ҳақидаги очерки эди. Мен уни яқинда «Ziyo.uz» сайтида яна бир карра ўқидим. Унда мармар қазувчиларнинг ҳаёти, қувонч ва ташвишлари давр руҳи билан ҳамоҳанг тарзда акс эттирилган. У пайтлар собиқ иттифоқнинг турли нуқталарига Ғозғон мармари жуда катта ҳажмда ташиб турилган, уни қазиб олишда шафқатсизларча портлатиш усулидан фойдаланишган. Бу эса унинг сифатини йўқотган, портлатиш атроф-муҳитга катта офат бўлган, маҳаллий мутахассис ва аҳолининг қизиқишлари умуман инобатга олинмаган.

Шароф Рашидовнинг талаби ва кўрсатмаси билан Тошкент метрополитенига етти хил рангдаги Ғозғон мармари ётқизилган. Йиллар ўтса-да, бу табиат мўъжизаси ўз жилосини заррача ҳам йўқотмасдан Тошкент метросига ҳозир ҳам файз бағишлаб турибди.

– Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳсулотга харидор кам эди, – дейди уста Тоҳир Раҳимов. – Ўзбекистонимизда қурилиш ишлари жадаллашгач, унга яна эҳтиёж ортди. Аммо молиявий шартномалар натижаси ҳаминқадар эди. Шавкат Мирзиёев Президентликка сайлангач, Навоий вилоятига сафари чоғида айнан Ғозғон мармар конига ҳам келиб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар. У кишининг ташаббуси билан қадимий кончилар макони Ғозғонга шаҳар мақоми берилди. Бир неча заводлар иш бошлади. Ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, шаҳарча аҳолисининг катта қисми, асосан ёшлар иш билан таъминланди. Табиийки, одамларнинг ҳаётдан розилиги ошиб, меҳнатга ғайрат-шижоат билан киришдилар. Бугун шаҳарчамиз кундан-кунга гўзаллашиб боряпти. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин, то кучим бор экан халқимизнинг хизматидаман.

Уста Тоҳир тош ўйишнинг икки усулини кўп йиллардан буён ғозғонлик ёшларга ўргатиб келади. У бир қатор мукофотлар соҳиби, бир неча йиллар муқаддам «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган бўлса, ўтган йилда «Ўзбекистон халқ устаси» деган номга мушарраф бўлди. У киши 2001 йилда Бухоро амири Амир Олимхоннинг бобоси Абдулаҳадхон қабрини таъмирлайди. Турли йилларда Ҳаким ат-Термизий, Имом Термизий, Сўфи Оллоёр, Султон Саодат, Қашқадарёдаги Хўжаи Жарроҳ, Султон Мирсаид Ҳайдар, Абдулазиз Муборак, Абул Муъийн ан-Насафий, Бухородаги Хўжа Азизхон, Абдухолиқ Ғиждувоний, Бобои Самосий, Моҳитобон, Тошкентдаги Зангиота ва унинг рафиқаси Анбар отин мақбараси, Сузук ота, Шайхонтоҳур, Имонли бобо қабрларини обод қилишда қатнашади. Водийдаги Мирзо Бобур зиёратгоҳига 5 тонналик рамзий қабр ўрнатилишида маҳоратини ишга солади. Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги улуғ қадамжоларнинг обод бўлишига ҳам меҳнати сингган. Унинг шогирдлари тошга табиий равишда, ўймакорлик учун ишлатиладиган ускуналар ёрдамида ишлов беришади. Бу жараёнда замонавий техника ишлатилмайди ва бу тоштарошдан қунт, чидам, маҳорат, изланиш ва каттагина меҳнат талаб қилади. Аждодлари тоштарош бўлган ғозғонлик ёшлар бу ишларни шараф билан, меҳр билан давом эттиришмоқда.

Уйга қайтаётиб, ўйга толдим. Устанинг сийрати ва сувратини ёзиш учун бир сўз албатта, даркор. Нақшбанд ҳазратлари айтмоқчи, «Дил ба ёру даст ба кор». Эсимдан чиқибди, уста Тоҳир бир сафар, мухбир ука, мақолангизга қўшиб қўйинг, бу кенгликларни археолог, антрополог олимлар кезишса, тирик тарихни кашф этишади, уларни бу ишларга жалб қилиш таклифини олиб чиқинг, деган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай, бу мўъжизалар аллақачон ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Ғозғон мармари ишлатилган қадимий Хива, Бухоро, Самарқанддаги қалъалар ҳозир ҳам қад ростлаб турибди.

Ташаббускор, шижоат билан бунёдкорлик ишларига қўл ураётган қўли гул уста Тоҳир акада гап кўп. Бекорга Президентимиз бу оддий устанинг машаққатли юмушларини эътироф этиб, «Ўзбекистоннинг Фарҳоди» деб атамаган, ахир.

Доимо омон бўлинг, уста Тоҳир, қўлингиз сира дард кўрмасин!

Ўлжабой ҚАРШИЕВ,
журналист

Фарғона вилояти

Луқма

Ҳордиқ масканими ёки...

Истироҳат боғи деганда, аввало, кўз ўнгимизда соя-салқин, гўзал манзарали, одамлар сайр қилиб, маданий ҳордиқ чиқарадиган гўша гавдаланади.

Минг афсуски, бундай таърифни Данғара истироҳат боғига бериб бўлмайди. Туман ҳокимлиги биносининг ёнида жойлашган истироҳат боғининг бугунги аҳволи анчайин ачинарли. Агар боғнинг кириш эшиги тепасига «Данғара истироҳат боғи» деб ёзилмаганда, бу ерда маданий маскан борлигини билмайсиз ҳам.

Очиғи, бу ерда сайр қиладиган жойнинг ўзи йўқ. На бирорта ўриндиқ, на бир аттракцион бор. Ҳувиллаган боққа ҳеч ким оёқ босмайди, ҳеч ким фарзандлари билан келиб сайр қилмайди.

Назаримизда, истироҳат боғи борлиги данғаралик мутасаддиларнинг ёдидан кўтрилган кўринади. Акс ҳолда, боғни обод ва кўркам қиёфага келтириб, одамларнинг севимли масканига айлантирган бўлишарди.

Яна бир гап. Боғ ҳудудида Мотамсаро она ҳайкали бор. Лекин ҳайкал пойи эътиборсизликданми ёки қаров йўқлигиданми анчагина таъмирга муҳтож ҳолга келиб қолган. Хуллас, боғни айланар экансиз, бу ердан маданий ҳордиқ олиб эмас, балки ҳафсалангиз пир бўлиб чиқади.

Ҳа айтганча, 2022 йилда истироҳат боғини жорий таъмирлаш учун 300 миллион сўм маблағ йўналтирилган экан. Шунча маблағ қаерга сарфланганини билмадигу, аммо боғ ҳудудининг обод бўлган жойини кўрмадик.

Гапнинг пўсткалласи, истироҳат боғи, дарҳақиқат, қаровга ва эътиборга муҳтож. Туман аҳолиси истироҳат боғида маданий дам олишни, фарзандлари билан сайр қилишни исташади. Бунинг учун эса, аввало, боғни ташриф буюрувчиларнинг кўнглидан жой оладиган обод ва файзли гўшага айлантириш лозим.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Мушоҳада

Кўп исрофгарчилик қиладиган одамни эл ҳаддан ошган, манман, такаббур дейди. Бойлик тўплаш осон иш эмас. Аммо шу минг азоб ва заҳмат билан топган сарватни ўйламай-нетмай ҳавога беҳуда совуриш ноқислик ёки кибрдандир.

Мен бир гал Қашқадарёнинг Чироқчи туманида меҳмон бўлиб, тўйда ўнта дошқозон осилганини, салкам бир тонна гўшт сарф бўлганини эшитиб, бошимдан ҳушим учди. Бу фазилат, бағрикенглик, саховат эмас, бу иллат ахир! Чунки тўйчининг ҳовли-жойи, яшаш тарзи бунчалик ҳиммат қилишга мос эмас эди-да. Мен унинг уйида на бир кутубхона, на бир компьютер, на бир замонавий мебель кўрмадим. Хонадон эгаси билан суҳбатдан маълум бўлдики, у шу вилоятдан четга ҳам чиқмаган, дунё кўрмаган. Биз уни қоралаш фикридан узоқмиз. Аммо бир кунлик маърака деб, бир умр пешона тери билан топилган бойликни ҳавога совуриш ҳам ақлдан эмас-да!

БУ ИСРОФГАРЧИЛИКМИ ёхуд ҳаддан ошиш?!

Шу тўй-маъракаларни (пандемия вақтидагига ўхшаб) ихчамгина 100-150 кишидан оширмай ўтказсак нима қилади? Ортган пулга ўғил-қизга компьютер, китоб, замонавий зарур нарсалар олиб берсак, уй-ҳовлимизда ҳамма шароитни яратсак, ўзимиз, болаларимиз дунё кўрса, шу яхши эмасми?

Минг афсуски, сўнгги йилларда молпарастлик, истеъмолчилик кайфияти кучайиб, исроф кўпаймоқда. Пўрим кийиниш, айш-ишрат, шоҳона қасрлар қуриш, жиҳозлар билан мақтаниш «мода» бўлди. Аммо ўша кўз-кўз қилинган «импортний стенкалар»нинг махсус китоб учун мўлжалланган жавони ё бўш ва ё китоб ўрнида сервиз...

Дунёпарастлик, ахийри, одамийликни ейди. Исрофгарчилик, молпарастлик, модапарастлик яхши амалларни ейди, одамни талвасага солади, адаштиради. Буюк мутафаккир Махатма Ганди айтган эди: «Дунё ҳар қандай одамнинг эҳтиёжларини қондира оладиган даражада имкониятли, аммо инсоний очкўзликни қондиришга унинг кучи етмайди».

Очиғини айтганда, исрофгарчиликларнинг кўпи очкўзликнинг оқибати. Ҳозирги дунёда яратувчилар эмас, истеъмолчилар кун сайин кўпаймоқда. Кейинги қирқ йил ичида дунёда товар ва хизматларга сарфланаётган харажатлар 4,8 миллиард доллардан 20 миллиард долларга ошган. Молпарастлик, ҳавойи орзу ҳавасга берилиш, исрофгарчилик диний эътиқоднинг сустлиги, жаҳолат ва илмсизликдан далолатдир. Ношукрлик, қаноатсизлик, нафсга қул бўлиш, кўр-кўрона кимларгадир тақлид, ўзини билмаслик, шайтон қутқусига учиш, ҳаром-ҳариш йўл билан бойлик орттириш ҳам маънавий даражанинг пастлигидир.

Бизда маърифатсиз бойлар кўп. Етим-есир, муҳтожга эмас, тўққа ҳиммат қилади. Ёки ўзи туғилиб ўсган қишлоқ, шаҳар кўчаси, боғча, мактаб, маданият соҳасига эмас, дабдабали тўй-ҳашам, ичкилик, қимор, айш-ишратга сарфлайди. Одамлар орасида оғир касалликка чалинганлар кўп, улар моддий ва маънавий ёрдамга муҳтожлар ҳам. Тўғри, саховатпеша инсонлар бор, аммо кам. Ҳар ҳолда биз ўйлагандан кам. Бу ҳаётда сармоядор, қўли узун шундай одамларни ҳам кўрдикки, уларнинг энг яқин кишиси, жигари касал ёки моддий ёрдамга муҳтож, лекин улардан садо чиқмайди. Аммо ичкилик, қимор, айш-ишратга миллион-миллион сўм сарфлайди.

Исрофнинг охири вой, таназзул! Мен ҳаётда таажжубли ҳолларни ҳам кўрдим. Бир таниш укахоним тайёрлов курси очиб, тез орада машҳур бўлиб, бойиб кетди. Бухоро ва Тошкентдан уй, машина, ҳатто абитуриентларни олиб юриш учун «Мерседес бенц» автобуси ҳам сотиб олди. Кейин...

Ҳаддидан ошиб, ичкилик, исрофгарчиликка ружу қўйди. Аста-секин обрў, бойлик, имконият ҳам, маишатпараст «дўстлар» ҳам юз кўрмасга айланди... Ҳозир «банкрот». Уни ҳеч ким бу ҳолга солган эмас, ўзига-ўзи қилди. Ҳаддан ошиш, исрофгарчилик уни шу куйга солди. Энди тикланишига кўзим етмайди, чунки иродасини ичкиликка бой бериб бўлган.

ДУНЁПАРАСТЛИК, АХИЙРИ, ОДАМИЙЛИКНИ ЕЙДИ. ИСРОФГАРЧИЛИК, МОЛПАРАСТЛИК, МОДАПАРАСТЛИК ЯХШИ АМАЛЛАРНИ ЕЙДИ, ОДАМНИ ТАЛВАСАГА СОЛАДИ, АДАШТИРАДИ. БУЮК МУТАФАККИР МАХАТМА ГАНДИ АЙТГАН ЭДИ: «ДУНЁ ҲАР ҚАНДАЙ ОДАМНИНГ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРА ОЛАДИГАН ДАРАЖАДА ИМКОНИЯТЛИ, АММО ИНСОНИЙ ОЧКЎЗЛИКНИ ҚОНДИРИШГА УНИНГ КУЧИ ЕТМАЙДИ».

Исрофгарни ҳеч ким таназзулга ғарқ қилмайди, ўзи ўз оёғига тушов солади. Исрофгарга ҳавас қилганлар ҳам адашади, бор-йўғини ўз қўли билан елга совургач, тиззасини қучиб, сўнги пушаймон ўзингга душман, деб мунгда ўтиравради. Мол-дунёси борида атрофида гирдикапалак бўлганлар тум-тарақай қочади. Агар уларга «эй, палончининг нон дўсти, биродаринг оғир аҳволда, бир хабар олмайсанми?» деса, жавоб тайёр: «У аҳмоқ, ўзига ўзи қилди».

Афсуски, бугунги кунда исрофгарчилик ниҳоят кўп. Вақт исрофи, хом-ашё, тайёр маҳсулот исрофи, чучук сув, электр энергия, газ исрофи... энг долзарб муаммолардан. Давлат томонидан ажратилаётган кўп миқдордаги маблағларни ноўрин сарфлаш, тақсимлаш, яъни исроф қилиш – жуда катта зарар ва ўпирилишларга сабаб бўлмоқда. Ишчи кучини нотўғри тақсимлаш ҳам иқтисодий исрофга киради. Ер ости, ер усти бойликларидан тўғри, самарали фойдаланмаслик ҳам мамлакат иқтисоди, тараққиёт учун зарар – исроф.

Агар бу дунёдаги ва ўзимиздаги еб-ичгулик, таомлар исрофгарчилигини ҳисобласак, лабларга учуқ тошади. Ноннинг исроф бўлишини айтмайсизми? Агар бир одам бир кунда 1 грамм нон исроф қилса, дунё бўйича қанча бўлади, Ўзбекистонда-чи?! Битта Ўзбекистоннинг ўзида 32,5 тонна, дунё бўйича эса 7,5 миллион килограмм нон увол бўлади. Бунга қолган маҳсулотларни қўшсак-чи?..

Исрофнинг кўплигидан дунёда чиқиндилар муаммоси пайдо бўлганига анча бўлди.

Одамзоднинг кимлигини унинг исрофдор эмаслигига қараб билса ва баҳоласа бўлади. Муборак Ҳадисларда айтилганидек: Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар!

Илҳом ҒАНИЕВ,
филология фанлари доктори

Ҳикмат

Вакиллари исроф касаллигига йўлиққан миллат, шубҳа йўққи, нобуд бўлади. Агар олам тарихига назар солсангиз, дунёдаги қавмларнинг нобуд бўлиш сабабларидан бири исрофгарчиликдир.

Абдурауф ФИТРАТ

Фойдали маслаҳатлар

Қиш фаслидаги совуқ ҳаво нафақат инсон танаси, балки руҳиятига ҳам таъсир қилади. Кўпчиликнинг иш унумдорлиги сусаяди. Ҳар биримизни қандайдир касаллик бир «туртиб» кўради. Айрим сурункали хасталиклар авж олади. Хўш, қиш чинакам кумуш фаслга айланиши учун нималар қилиш керак? Келинг, бу саволга биргаликда жавоб излайлик.

АСАБНИ АСРАНГ

Қишда асаб бузилишлари бўйича шикоятлар кўпаяди. Уйқусизлик, ланжлик, қувватсизлик кузатилади. Боиси, инсоният ҳар қанча тараққиётга, илмий ва инновацион ютуқларга эришмасин, барибир, охир-оқибат табиатга боғлиқ бўлиб қолаверади. Қадим-қадимдан то ҳозиргача асаб тизимимиз қиш фаслини таҳдид, стресс сифатида қабул қилади ва уни калорияли таомлар тановул қилиш орқали енгиш мумкин деб ҳисоблайди. Нотўғри овқатланиш эса иммунитетни пасайтирувчи жисмоний стрессни келтириб чиқаради.

Куннинг қисқалиги, камҳаракатлилик, совуқни хушламаслик тушкунликка, қолаверса, депрессияга сабаб бўлиши мумкин. Бунда тананинг гормонал мувозанати ўзгаради: серотин – бахт гормони камайиб, «стресс гормонлари» саналмиш кортизол ва катеколаминлар ишлаб чиқарилиши кўпаяди. Руҳиятдаги тушкунлик иммун тизимини янада заифлаштиради, организм ташқи таъсирга етарлича қаршилик кўрсата олмайди.

Албатта, стрессни енгиш ўз қўлимизда. Нафас машқлари, мумтоз мусиқа, жўшқин рақс, дўстлар билан мулоқот кайфиятни кўтаради. Пиёда юриш кортизол даражасини пасайтиришга, тўйиб ухлашга ёрдам беради. Ташқари совуқлигини баҳона қилиб, уйда телевизорга термулиб ўтириш ёки гаджетларда ўйинлар ўйнаб, ижтимоий тармоқларда «ғийбатлашиш» нотўғри. Ўйда ҳам жисмоний машқлар билан шуғулланиш мумкин. Оила аъзолари билан турли ўйинлар ўйнаш, суҳбатлашиш, муайян мақсадга эришиш учун дадил интилиш, шеърхонлик ва китобхонлик ҳам асабийлашишга барҳам беришда қўл келади.

ҚОН ҚУЮҚЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ

Қуюқлашган қон томирларда жуда секин оқади. Шу боис тўқималарга керакли озиқ моддалар етиб бормайди ва танадаги ортиқча унсурлар чиқиб кетолмайди. Бундан ташқари, ўта қуюқ қонни ҳайдашда юрак ҳам тез чарчаб қолади.

Организмда сув етишмовчилиги, овқат ҳазм қилиш тизимидаги сурункали хасталиклар, дисбактериоз, тўлақонли овқатланмаслик, сифатсиз емиш, фермент етишмаслиги, турли замбуруғ, вирус ва бактериялар, кучли зўриқиш, стресс, алкоголь, тамаки, камҳаракатлилик, ифлосланган ҳаво ва ўта иссиқ иқлим бу касалликка олиб келувчи асосий сабаблардандир. Унинг олдини олишда махсус овқатланиш тартибига амал қилиш ва табиий дамламалар ичишдан ташқари, фаол ҳаракатда бўлиш, ичиш-чекишдан тийилиш, жуда муҳим аҳамият касб этади. Иложи борича, кўпроқ пиёда юриш ва эрталаб тоза ҳавода бадантарбия қилиш ҳам яхши самара беради.

Қонни табиий равишда суюлтириш учун таомнома таркибига ёғсиз мол, товуқ, курка, балиқ гўштлари, помидор, лавлаги, бодринг, денгиз карами, олма, гилос, анор, анжир, тут, занжабил, долчин, саримсоқпиёз, сельдерей, аччиқ қалампир, пиёз, кунгабоқар пистаси, барча ёнғоқ турлари, кунгабоқар, зайтун, зиғир каби ўсимлик мойлари, узум, олхўри мевалари ҳамда қоқиси, майизларни таомнома таркибига киритиш тавсия этилади.

Қонни табиий равишда суюлтириш учун таомнома таркибига ёғсиз мол, товуқ, курка, балиқ гўштлари, помидор, лавлаги, бодринг, денгиз карами, олма, гилос, анор, анжир, тут, занжабил, долчин, саримсоқпиёз, сельдир, аччиқ қалампир, пиёз, кунгабоқар пистаси, барча ёнғоқ турлари, кунгабоқар, зайтун, зиғир каби ўсимлик мойлари, узум, олхўри мевалари ҳамда қоқиси, майизларни таомнома таркибига киритиш тавсия этилади.

ЮРАГИНГИЗНИ АВАЙЛАНГ

Статистик маълумотларга кўра, қишда юрак хуружлари ҳам авж олади. Сабаби, совуқ туфайли атмосфера босими кўтарилади, бу юрак юкламаларини кўпайтиради ва унинг хуружи хавфини оширади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, совуқда юрак танани иситиш учун кўпроқ қон қуйиши керак. Натижада юрак уриши тезлашади ва патологиялари кучаяди. Бундан ташқари, аёз қон томирлари спазмини келтириб чиқаради. Қишда камроқ сабзавот ва меваларни, кўпроқ ёғли овқатларни истеъмол қилишимиз туфайли қондаги холестерин миқдори ортади.

Юрак соҳасида дори билан қолдириб бўлмайдиган оғриқ хуружи миокард инфаркт бошланаётганини англатади. Оғриқ тўсатдан қўзғалиб, жуда тез кучаяди. Бемор қора терга ботиб, нафаси бўғилади, ўқчиб ва қусиб, ҳолсизланади. Оғриқ юракда эмас, чап қўл ёки елкада, қоринда, гоҳида пастки жағда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Гўё юракни кимдир қўли билан қаттиқ қисаётгандек туюлади. Оғриқ 20-30 дақиқа ичида қолмаса, дарҳол «Тез ёрдам»ни чақириш керак.

Юрак касалликлари олдини олиш учун парҳезга, кун тартибига риоя қилинг. Ҳар куни камида бир соат қулай кийим ва пойабзалда очиқ ҳавода юринг. Таомномангизга эътиборли бўлинг. Витаминларга бой овқатларни еб-ичинг. Вазнингизни назорат қилиб боринг. Стресслардан қочинг.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
тайёрлади.

Ажабо!

Лайлак ёзда келадими?

Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ҳикматли сўзлар, мақол-маталлар орасида йил фасллари ҳамда ойларига бағишланганлари ҳам талайгина. Уларда бирон-бир фасл ёки ойнинг чинакамига қачон бошланиши ёки қандай келиши башорат қилиниб, ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади. Масалан, «Лайлак келмай, ёз бўлмас, қирғияк чопмай, куз бўлмас», «Ёз келганини лайлак билар, қиш келганини – ола қарға», «Ғоз келгани – ёз келгани», «Ғоз келса, ёз келар, қарға қағилласа, қиш келар», «Савр кирмай, ёз бўлмас» каби нақлларни эсланг.

Ўз-ўзидан энди ҳақли савол туғилади: хўш, нега шунақа? Ахир кўплаб қушлар, жумладан, оқ лайлагу ғозлар ҳам диёримизга ёзда эмас, ундан анча олдинроқ – ўн-ўн икки ҳафта бурун учиб келади-ку! Ёки айтайлик, Савр қуёш йили ҳисобидаги иккинчи ойнинг арабча номи бўлиб, биз амал қиладиган тақвим бўйича 22 апрелдан 21 майгача бўлган муддатни қамраб олади-ку! Бас, шундай экан, бу даврни ёзга йўйиш ўринлимикин?

Гап шундаки, юқорида эслатилган мақолларда «ёз» дейилганда, ҳозирги тушунчамиздаги тўкин-сочинлик фасли эмас, балки эрта кўклам назарда тутилган. Сабаби, эски туркий тилларда «ёз» сўзи «баҳор» маъносини англатган. Бу хулоса ўз навбатида йил фаслларига доир мақолларимизнинг ўта қадимийлигидан далолат беради.

А. ҲАЙДАРОВ
тайёрлади.

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
Z. Rixsiyev

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova, D.Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 01:30
Topshirildi – 01:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma **G-113**
Nashr ko‘rsatkichi: **133**

1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31352

14543 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.